

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БЎТАЕВ УСМОНЖОН ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ РИВОЖИДА ТИНЧЛИК
ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2018

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич

Ўзбекистонда демократик жамият ривожига тинчлик ва барқарорликнинг
ўрни.....3

Бутаев Усмонжон Хайруллаевич

Роль мира и стабильности в развитии демократического общества в
Узбекистане.....19

Butaev Usmonjon Hayrullayevich

The role of peace and stability in the development of a democratic society in
Uzbekistan.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БЎТАЕВ УСМОНЖОН ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ РИВОЖИДА ТИНЧЛИК
ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2018

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fa140 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пахрутдинов Шукритдин Илясович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Анвар Каххарович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Мухтаров Азамат Мухтарович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Н.Б.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д.

М.Т.Жакбаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда хавфсизлик масаласи барча мамлакатлар учун жиддий муаммога айланган. Мураккаб ва таҳликали жараёнлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан дунё харитасида янги давлатларнинг пайдо бўлиши, тараққиётнинг янги босқичга кўтарилиши, иккинчи томондан, демократик ривожланишни издан чиқарадиган, жамият бирлигига раҳна соладиган ғоявий-мафкуравий ва сиёсий тўсиқларнинг пайдо бўлиши билан характерланмоқда. Глобаллашув жараёни ва ядро уруши хавфининг камайиши билан юзага келаётган туб ўзгаришлар ҳам жаҳонни мазкур хавф-хатардан буткул холи қила олгани йўқ.

Бугун жаҳон ҳамжамиятининг асосий эътибори тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш бўлиб, шу боис, дунёвий ўзгаришлар хусусиятлари, хавфсизлик механизмлари, умуминсоний манфаатларнинг устуворлиги, маърифат ва диний бағрикенглик, барқарор тараққиёт омиллари каби масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш масалалари алоҳида эътиборга молик. Ўзбекистон айти пайтда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислик қилмоқда. Минтақавий хавфсизлик, халқаро муносабатларда сиёсий муаммоларни томонлар манфаатини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш механизмларини ишлаб чиқиш, ишонч – мулоқотнинг асосий шакли эканлиги умумий хавфсизлик муҳитини яратишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, тинчлик ва барқарорликка оид замонавий концепцияларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш, Ўзбекистонда демократик жамият ривожини таъминлашда уларни амалиётга қўллаш бўйича зарур илмий-назарий аҳамиятга молик хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа саналади.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-330-сонли «Ташқи сиёсат фаолият концепцияси тўғрисида»ги, 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сонли «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2940-сонли «Ички ишлар органларининг жамоат тартибini сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сонли «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда

белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тинчлик ва барқарорликнинг жамият ривожига ўрни, инсоният учун аҳамияти қадим замонлардаёқ англаб етилган. Жумладан, «Авесто», «Веда»лар, «Таврот», «Инжил», «Қуръони Карим»да инсоннинг маънавий юксалишининг муҳим омили сифатида тинчлик ва барқарорлик эътироф этилган. Хусусан, «Авесто»да билим ва донолик, ақл-фаросат, тинчлик йўли билан зулм, адоват, турли низоларни одилонга хал этиш инсонларнинг асосий бурчи эканлиги уқтирилган¹. «Қуръони Карим»нинг «Хужрот» сураси 9-11-оятларида ҳам урушиб қолганлар ўртасини адолат билан тузатиб қўйиш зарурлиги таъкидланади². Шунингдек, «Таврот»да ҳам ҳар бир инсон тинчликни ўз орзу-интилиши, мақсад-муддаоси рўёбга чиқишининг шарти, деб билиши талаб этилади. Шу боисдан унда «Абадий тинчлик аҳди - «Ва улар билан тинчлик аҳдини тузаман, абадий аҳд улар билан бўлади»³, деб ёзиб қўйилган.

Тинчлик-барқарорлик мавзусига қадимги юнон файласуфлари асарларида, айниқса, ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб фалсафасида, немис мумтоз фалсафаси намоёндаларининг асарларида катта аҳамият берилган. Абу Наср Форобий⁴, Абу Райҳон Беруний⁵, Абу Али Ибн Сино⁶, Алишер Навоий каби алломалар тинчлик ва барқарорликнинг жамият тараққиётидаги ўрни масаласига атрофлича тўхталганлар. Жумладан, Абу Наср Форобий тинчликпарварликнинг асосини инсонийликда, деб билади. Шунинг учун ҳам аллома «Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам одамлар инсоният туркумига кирганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим»⁷, деб ёзади. Абу Райҳон Беруний эса жамиятни бошқариш масаласига тўхталиб, «идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

¹ Авесто. А.Маҳкамов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 248 б.

² Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. (Қайта ишланган 2-нашри)//таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2007. –516 б.

³ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Зул Кифл 37; 26. (Анбиё сураси 85-оят.) (Қайта ишланган 2-нашри)//таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Шарқ, 2007. – 516 б.

⁴ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 160 б.

⁵ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 1-жилд. –Тошкент: Фан, 1968. – 486 б.

⁶ Ибн Сино. Изб. Филос. Произведения. – Москва: Наука, 1980. – 478 с.

⁷ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 186 б.

қилиш, бировларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан иборат»⁸, дейди.

Мустақиллик йилларида тинчлик ва барқарорлик масаласи В.Алимасов, Т.Алимардонов, А.Абдушуккуров, А.Бегматов, Т.Жўраев, Ш.Мадаева, О.Мусаев, С.Отамуродов, Ш.Пахрутдинов, Р.Самаров, С.Саидолимов, И.Эргашев, А.Қодиров каби жамиятшунос олимлар томонидан ўрганилди⁹. Мазкур мутахассислар тинчлик ва барқарорлик масаласи жамият тараққиётини юксалтиришнинг муҳим омили эканлигини сиёсат, иқтисод, дин, этник муносабатлар доирасида асослашга ҳаракат қилганлар. Улар Ўзбекистонда демократик жамиятни ривожлантиришда аҳоли, айниқса, ёшларда тинчликни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш туйғусини шакллантиришнинг миллий-этник ва диний-конфессионал жиҳатлари ҳамда ва миллий урф-одатлар билан боғлиқ томонларини ўрганганлар.

Мазкур муаллифларнинг илмий тадқиқотларида глобаллашув шароитида давлатларнинг суверенитетини таъминлаш ҳамда хавфсизликнинг ички ва ташқи жиҳатларини мустаҳкамлаш масалалари ўрганилган бўлсада, тинчлик ва барқарорлик алоҳида феномен сифатида тадқиқ этилмаган.

Мавзуга алоқадор фалсафий адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, улар кўпроқ масаланинг ижтимоий, иқтисодий ёки сиёсий жиҳатларига эътибор қаратганлар. Аммо, халқаро майдонда турли таҳдидлар кучайиб бораётган бир паллада, жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ томонлари етарлича таҳлил қилинмаган. Шу сабабли, Ўзбекистонда демократик жамият ривожидида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш муаммоларини фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» ҳамда «Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги – фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шарти» мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда демократик жамият ривожидида тинчлик ва барқарорликнинг ўрнини фалсафий жиҳатдан очиб бериш ҳамда ижтимоий-сиёсий хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тинчлик ва барқарорлик категорияларининг илмий-назарий генезисини, мазкур масалага оид турлича ёндашувларни таҳлил қилиш;

Шарқ фалсафасида тинчлик ва барқарорлик олий қадрият сифатида ифодаланишини асослаш;

⁸Абу Райхан Беруний. Избранные произведения. –Ташкент, 1963. – С.23.

⁹Мазкур олимларнинг асарлари диссертация охиридаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

демократик жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг илмий дискурсини очиб бериш;

тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ижтимоий масъулиятнинг имманент белгилари ва уларнинг ижтимоий моҳиятини асослаш;

глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг гуманистик миссиясининг шаклланиши, интеграциялашиши ҳамда ривожланиш тенденцияларини диалектик ва синергетик нуқтаи назардан таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда демократик жамият куришда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг социокреатив хусусиятларини очиб бериш;

Ўзбекистоннинг дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги ташаббусларини такомиллаштиришга йўналтирилган концептуал назарий хулосалар, методологик таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда демократик жамиятни ривожлантириш муаммолари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети. Ўзбекистонда демократик жамият ривожидида тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг истиқболли йўналишларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда ретроспектив, тарихийлик ва мантиқийликнинг узвийлиги, диалектик ва синергетик, герменевтик, тизимли таҳлил ҳамда фрейминг каби илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда демократик жамият ривожидида тинчлик ва барқарорлик категорияларининг социокреатив хусусиятлари ва уни ривожлантирувчи омиллар (ижтимоий-сиёсий мувозанат, миллатлараро тотувлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш) аниқланган;

тинчлик ва барқарорлик феноменларининг ижтимоий-фалсафий моҳияти ҳамда уларнинг жамият ривожига перманент таъсири асосланган;

Ўзбекистонда демократик жамият ривожидида тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг гуманистик миссияси ҳамда ривожланиш тенденциялари диалектик ва синергетик нуқтаи назардан такомиллаштирилган;

тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, «мутлақ янги глобал маданий-гуманитар борлиқ» концепциясида ижтимоий масъулиятнинг имманент белгилари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда демократик жамият ривожидида тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилган;

ижтимоий-сиёсий мувозанат, миллатлараро тотувлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид таклиф-тавсиялар тайёрланган ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий

этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган ғоялардан ижтимоий фалсафа, сиёсатшунослик, социология бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан тегишли вазирликлар, ҳарбий қисмлар, мавзуга оид тадбирлар, давра суҳбатларида, шунингдек, глобал ва минтақавий интеграция жараёнлари, давлатлараро муносабатларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг демократик жамияти ривожда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш стратегияси доирасида ишлаб чиқилган ижтимоий-фалсафий таклифлар асосида:

Ўзбекистонда демократик жамият ривожда тинчлик ва барқарорлик категорияларининг социокреатив хусусиятлари ва уни ривожлантирувчи омилларга доир таклифлардан «Миллий ғоя ва маънавият асослари» ўқув қўлланмасининг «Жамият тараққиёти, барқарорлиги ва таҳдидбардошлигини таъминлашда маънавий-маърифий тарбиянинг ўрни» ва «Юксак маънавият ва мафкуравий иммунитетни баҳолашнинг ўлчов мезонлари («Юксак маънавият – енгилмас куч» асари асосида)» мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 7 апрелдаги 03-02/2-2-997-сонли маълумотномаси);

тинчлик ва барқарорлик феноменларининг ижтимоий-фалсафий моҳияти ҳамда уларнинг жамият ривожига перманент таъсирига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ўтказилган «Армия – аскар – Ватан масъулияти», «Ҳарбий ватанпарварлик – юксак ишонч ва садоқатдир» мавзуларидаги илмий-маърифий тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат Марказининг 2017 йил 2 ноябрдаги №14/3/620-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши ҳарбий хизматчиларда Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини, юксак ахлоқий фазилатлар ҳамда ҳарбий ватанпарварликни шакллантиришга хизмат қилган;

тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, «мутлақ янги глобал маданий-гуманитар борлик» концепциясида ижтимоий масъулиятнинг имманент белгиларига оид таклифлардан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилишда, «Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришда адвокатура ходимларининг ўрни ва роли» мавзусидаги фокус-гурӯх тадқиқотида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси фаолиятида фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2017

йил 30 ноябрдаги №11/348-сонли, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2018 йил 4 апрелдаги 01-08-458 сонли маълумотномалари). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини баҳолаш, мазкур соҳада фаолият юритувчи ходимларнинг ижтимоий масъуллигини ошириш ҳамда фуқароларда жавобгарлик ва ишонч тамойилини яратишга имкон берган.

Ўзбекистонда демократик жамият ривожига тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг гуманистик миссияси ҳамда ривожланиш тенденцияларига оид таклиф-тавсиялардан Тараққиёт стратегияси маркази томонидан ўтказилган «Юрт тинчлиги, Ватан равнақи - олий неъмат», «Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик - барқарорлик кафолати» мавзуларидаги илмий-маърифий тадбирларда фойдаланилган (Тараққиёт стратегияси марказининг 2017 йил 10 октябрдаги № 929/17-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш ҳамда ёшларда мамлакатимиздаги кенг кўламли демократик ислохотларнинг моҳияти борасидаги билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғликлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Демократик жамиятда тинчлик ва барқарорликни тадқиқ қилишнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида тинчлик ва барқарорлик категорияларининг илмий-назарий генезиси, Шарқ фалсафасида тинчлик ва барқарорликнинг

олий қадрият сифатида ифодаланиши ҳамда демократик жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг илмий дискурси қиёсий тадқиқ қилинган.

Тинчлик ва барқарорликнинг жамият ривожигаги ўрни, кишиларнинг ҳаёт учун аҳамияти қадим замонларданок англаб етилган. Бу борада «Авесто», «Таврот», «Инжил», «Веда»ларда инсоннинг маънавий юксалишининг муҳим омили сифатида тинчлик ва барқарорлик ҳам эътироф этилган. Жумладан, тинчлик маданиятига оид илк диний-фалсафий қарашларни ўзига хос воқелик сифатида идрок этиш Шарқ халқларининг буюк маънавий мероси «Авесто»да ўз ифодасини топган. «Авесто»да илгари сурилган тинчлик ва барқарорлик ҳақидаги ғояларга эътибор берадиган бўлсак, бугунги адолатпарвар демократик жамият барпо этишга қаратилган ғояларимиз билан ҳамоҳанг эканлигимизни кўрамиз. Сабаби, тинчлик ва барқарорлик «Авесто» фалсафасининг бош шиори бўлган «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» билан уйғунлашади. Буддавийликда эса моҳиятан маънавий-ахлоқий таълимот, ундаги барча фикрлар нирванага етишишига қаратилган. Ҳаётни азоб-укубатлардан иборат деб билиш, кишиларни халос қилиш йўл ҳамда усулларини излаш унинг асосий мақсади ҳисобланади. Маълумки, ислом дини эзгулик, яхшилик тарафдоридир. «Қуръони Карим»да «Кимдаким ёмонлик касб қилса ва гуноҳларга ўралиб қолса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар ўша жойда абадий қолажақлар. Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар эса жаннат эгалари бўлиб, ўша жойда абадий қолгувчилардир. Фақат Аллоҳгагина ибодат қиласизлар, ота-она, қариндош-уруғ, етим ва мискинларга яхшилик қиласизлар. Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз»¹⁰, деб таъкидланади.

«Тинчлик» категорияси борлиқнинг асосий конструкти ҳисобланиб, умумий характерда намоён бўладиган мураккаб тизим сифатида ажралиб туради. Бугунги кунда «тинчлик» тушунчаси турли халқ ва миллатларда ўзига хос тарзда талқин этиб келинадиган жараён дир.

Шарқ халқлари тинчлик ва барқарорликни ўзининг тарихий-маънавий бойлиги, қадриятлари сифатида эъозлайди. Шарқ фалсафасининг тарихий-маънавий негизлари – «Авесто», конфуцийлик, буддавийлик ва ислом тинчликни, барқарорликни тараққиётга, инсон камолотига, шахс ва давлат ўртасидаги алоқаларга уйғунлик бахш этувчи категория деб билади. Шарқ фалсафаси инсон маънавиятини юксалтиришга урғу беради. Ижтимоий борлиқдаги ўзгаришлар негизида инсонни, унинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини кўради.

Тинчликнинг барқарор ривожланиши ва инсонийликни қарор топтириш инсоният яратган цивилизацияни асраш қафолати бўлгани учун ҳам улар умуминсоний қадриятлар ҳисобланади.

Индивидуализм фалсафаси устуворлик қилган «ғарбона» дунёқарашда инсоннинг моҳияти, табиати ва интилишларида тинчликка зид манфаатлар кураши мустаҳкам ўрин олган. Тинчликни бардавом этиш аслида инсоннинг моҳияти, унинг фоний дунёга келиш мақсадига бориб тақалиши Ғарб

¹⁰ Қуръони Карим. Алоуддин Мансур таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, 1992. –Б.83.

фалсафасида етарли даражада талқин этилмаган. Тинчлик, барқарорлик масаласи Ғарбда бўлганидек, Шарқда ҳам муҳокама қилинган. Лекин Ғарбдан фарқли ўлароқ, деярли барча Шарқ халқлари алломалари «инсон «тинчлик тушунчасини яхлит, деб қарашган»¹¹.

Демократик жамият ривожда давлат томонидан тинчлик ва барқарорликни таъминловчи ижтимоий-сиёсий институтларнинг фаолияти муҳим роль ўйнайди. Чунки булар ижтимоий ҳаётда ўзига хос вазифаларни бажариши билан бирга, жамиятнинг тинч ва осудалигини ҳам таъминлайди. Бу борада олимлар ёндашувлари таҳлили шуни кўрсатдики, демократик жамият ҳамда тинчлик ва барқарорлик категориялари ўз мазмунига кўра, ўхшаш бўлмаган бўлсада, лекин уларни назарий томондан бир-бирини тўлдириб турадиган жиҳатлар бор. Айнан бу боғлиқлик жамиятнинг, сиёсий тизимнинг барқарорлигини мустаҳкамлашга олиб келади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда демократик жамият ривожда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий омиллари**» деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистонда демократик жамият қуришда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг социокреатив хусусиятларини таъминлашда ижтимоий масъулиятнинг имманент белгилари ҳамда уларнинг ижтимоий моҳияти, глобаллашув шароитида тинчлик, барқарорликни таъминлашнинг гуманистик миссиясининг ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган. Мазкур бобда тинчлик ва барқарорлик категорияларининг социокреатив хусусиятлари демократик кадриятлар билан уйғунликда амалга ошиши очиб берилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнлари икки муҳим жиҳатга қаратилди. У биринчиси, демократик жамият ривожланишининг дунёда умумэътироф этилган (қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш ва бошқ.) тамойилларини тан олиш; иккинчиси, демократиянинг миллий хусусиятларига таяниш ҳамда уни диалектик жиҳатдан уйғунлаштириш. Бу икки жиҳатни бир-бири билан узвий боғлаш демократик жамиятнинг муҳим шарт ҳисобланади. Ўзбекистон бундай ўзига хос ва мос ривожланиш йўли демократик жамият қуришнинг бош қонуниятига айлантирди. Демак, мустақиллик ва жамият тараққиёти тўғрисидаги қарашларни ўзгартириш зарурлиги Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлидан ривожланиши ўзига хос ва мос тараққиёт моделини ишлаб чиқиш билан боғлиқ, деган хулосага олиб келади. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ўз негизида ривожланишини таъминлаш учун тегишли шарт-шароит ва омилларни яратиб берди. «Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди»¹²,-деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов. Бу, ўз навбатида, халқимизнинг жамият ривожланиши тўғрисидаги

¹¹Су Чунь. Философские идеи. – Пекин, 2015.–С.180.

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 32 б.

қарашларни ўзгартиришга, коммунистик ғоя ақидаларидан воз кечишга сабаб бўлди.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик халқнинг ижтимоий ҳаёти фаровонлик даражасидан рози бўлишида акс этади. Шунинг учун тинчлик ва барқарорлик Ўзбекистонда бебаҳо неъмат, улуғ саодат, демократик тараққиёт кафолати деб ҳисобланади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш жараёнлари халқимизнинг ижтимоий яратувчанлик муҳити билан боғлиқ кечди. Чунки, «Ўзбек модели»да белгилаб берилган тамойилларнинг ижтимоий ҳаётдаги натижалари бевосита яратувчанлик омили билан ўзаро боғлиқ бўлди. Чунки, йигирма олти йил мобайнида халқимизнинг онгу тафаккури замирида эзгулик тамойили асосида жамиятимизда барқарор муҳит юзага келди. Жамият иқтисодий негизи ягона коммунистик ғоя таъсиридан халос этилиб, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги таъминланганлиги иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришларнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилди. Бу демократик жамият қуриш жараёнлари ривожланиши тўғрисидаги қарашларнинг янгича илмий асосларга қўйишни тақозо этган шарт-шароит ва омилларни танлаш, давр ва замон ўзгаришлари ҳамда янгича талаблардан келиб чиққан ҳолда тўғри тушунишга олиб келди.

Замонавий босқичга келиб, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш инсондаги социокреатив хусусиятлар билан боғлиқ бўла бошлади. Кишиларнинг яратувчанлиги ҳатто низо ва урушлар пайтида ҳам тўхтамасдан, ҳақиқий ижодкор, чин бунёдкор сифатида ўзлигини намоён қилишга заруриятини кучайтирди. Бунинг натижасида инсонлар, давлатлар ўртасида рақобат муҳити вужудга келди. Натижада, ижтимоий масъулият борасидаги қарашлар бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиб борган сари, уни тушуниш, англаш ва амал қилишнинг имманент хусусиятларида ҳам фарқланиш содир бўлди. Зеро, иқтисод ва ахлоқ ўртасидаги номутаносиблик, узилишлар сабаб, иқтисод соҳаси ҳамда ахлоқ қоидалари ўртасида «айрилиш чизиги» шаклланди.

Глобаллашув жараёнида инсонлардаги жамоавийлик принципи ўрнини, эгоистик манфаатларнинг қамраб олиши ёки бошқалар манфаатларини оёқ-ости қилиш эвазига жамият барқарорлигини таъминлаш долзарблашди. Бу ўз, навбатида, ижтимоий адолат меъёрларининг бузилиши ҳамда ижтимоий масъулиятнинг йўқолишига олиб келди. Ижтимоий масъулият – виждон ўз-ўзини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган ҳар бир шахснинг ижтимоий сифати ҳисобланади. Шундай экан, жамият барқарорлиги учун инсонларда шахсий жавобгарлик ва маънавий юксаклик ҳиссини кучайтириш даркор.

Бугунги кунда дунё миқёсида демократик жараёнларнинг чуқурлашуви, фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти янада ривожланаётган бир шароитда ҳар қандай масаланинг ечимида давлат ва жамият ўртасида уйғунликни таъминлаш зарур бўлмоқда. Чунки, жамиятда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, ҳар бир халқнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш айнан ҳар бир инсондан қатъий тартиб-интизом ва шахсий

жавобгарлик туйғусини шакллантириш асосида амалга ошиши мумкин, деган қараш мезонга айланиб бормоқда. Ўзбекистонда бу борада «халқ ва давлат» ўртасида муносабатлар тизими Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак»¹³, деган қатъий қондада белгилаб қўйилиши ҳам бежиз эмас.

Диссертацияда айнан глобаллашув шароитида маданий-гуманитар интеграцияси ривожлантириш орқали Ўзбекистон ўзининг реал суверенитетини мустаҳкамлаш мақсадида: биринчидан, мамлакатнинг ҳарбий сиёсати фаолиятининг ҳуқуқий-сиёсий асосларини, ҳарбий курол-яроғ саноати ва ҳарбий ҳаво кучлари тизимини тубдан такомиллаштириш; иккинчидан, маданий-гуманитар интеграцияни ривожлантириш мақсадида мамлакатда фундаментал фанлар (кибернетика, ядро физикаси, электроника) ҳамда ижтимоий фанларнинг роли ва аҳамиятини оширишни, бу борада етук ва тажрибали мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; учинчидан, мамлакатни модернизациялаш режасининг тўла-тўқис бажарилиши, иқтисодиётнинг юқори технологияларини жалб этиш соҳаларида кўплаб малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда улар ўртасида соғлом рақобатбардош муҳитни шакллантиришга янада эътибор қаратиш; тўртинчидан, фаол маданий-гуманитар мулоқотни давом эттиришга эътиборини қаратади.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда демократик жамият ривожини, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари ва истиқболлари»** деб номланган учинчи бобидан ички ва ташқи тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш Ўзбекистоннинг стратегик мақсади эканлиги, жамиятда тинчлик ва барқарорлигини таъминлаш ташаббуслари билан боғлиқ омиллар ва воситалар янги қарашлар асосида ўрганилган.

Ўзбекистон демократик давлатлар ютуқларидан, «ақлий марказлар, институтлар»нинг тажрибаларини миллий ўзига хосликлари билан уйғунлаштирган ҳолда фуқаролик жамиятини куришга киришди. Масалан, ҳозирги кунда дунё давлатларининг тинчлик ва барқарорликни таҳлил этиш, улар фаолиятини аниқлаш борасида кўпгина халқаро ташкилотларнинг иш тизими йўлга қўйилган. Миллий муҳофаза тадқиқотлар Институти (RAND, АҚШ), Стокгольм халқаро тинчлик тадқиқотлар институти (SIPRI, Швеция), Осло Тинчлик тадқиқотлари институти (PRIO, Норвегия) ва бошқа таҳлилий институт ва ташкилотларнинг фаолиятлари шулар жумласидан. Айнан мазкур халқаро институтларнинг назарий ва социологик тадқиқотларидан олинган маълумотлар, «Ўзбекистонда демократик жамиятни ривожидан тинчлик ва барқарорлик, мамлакатда юз бераётган ҳодисаларга фуқароларнинг дахлдорлик ҳисси юксалиб боришига хизмат этади», деган хулосага келишга имкон беради.

¹³ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.51.

Шу билан бирга, бугунги таҳликали замонда давлатларнинг, бутун инсониятнинг тинч ва осойишта яшаш тарзини ўрганиш, уларнинг ментал хусусиятларини тадқиқ этиш учун дунё илмий жамоатчилиги ўртасида ягона консенсусга асосланган «янги методология»ни ишлаб чиқиш зарурати сезилмоқда. Зеро, бу «инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билишга хизмат этади»¹⁴.

Шу сабабли, тинчлик ва барқарорлик ҳолатини таҳлил этиш, кўпгина халқаро ташкилотлар томонидан дунё давлатлари тинчлик ва барқарорлигини объективлик асосида таҳлил этиш, уларнинг ўлчов мезонларини яратишда қуйидаги омилларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Буларга:

Биринчидан, депривация (қоникмаслик) ҳолати. Бунда аҳоли аксарият қисмининг амалдаги ислохотлардан қониқиш ёки қоникмаслиги, олиб борилаётган ислохотларда ишончсизлик кайфиятининг мавжудлиги ҳамда ижобий истиқбол каби омиллар тинчлик ва барқарорлик даражаси учун муҳим ҳисобланади.

Иккинчидан, фуқароларнинг бошқарув тизимида бир-бирига бўлган муносабати. Бунда фуқаро ва бошқарув тизими ўртасидаги ўзаро қўллаб-қувватлаш, фуқаролар хоҳиш-истакларининг қондирилиши ҳамда бошқарувдаги юксак компетентлик даражаси каби мезонлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, жаҳон ҳамжамияти билан (ижобий ёки салбий) муносабатлар. Бунда, биринчи навбатда, яқин кўшни давлатлар билан алоқаларнинг кечиши, муносабатларнинг кўп ўлчамга эгалиги (савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа.), халқаро ташкилотлар иштироки, давлат ташаббусларининг қондирилиши каби жиҳатлар.

Тўртинчидан, ҳарбий салоҳияти. Бунга, асосан, самарали хавфсизлик стратегиясининг ишлаб чиқилганлиги, шахсий таркибнинг тайёргарлик ҳолати, замонавий қурол-яроғ (авиация, ҳаво мудофаа тизимлари, артиллерия, зирҳли транспорт воситалари, замонавий двигателлар, ракета ва навигация, сенсорларнинг мавжудлиги.

Бешинчидан, давлат-бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик. Бунда, давлат томонидан иккала секторни ривожлантириш борасидаги имкониятлар ва уларнинг фаолиятига аҳоли томонидан ишончли муносабат, бизнесда миллий маънавиятнинг ўрни, аҳолининг харид қобилияти даражаси каби омилларнинг ўрни беқиёс.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунлардаёқ тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг миллий моделини шакллантирди, миллатлараро тотувлик, бирлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни ўзининг

¹⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Асарлар. I–жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 96-100 бетлар.

стратегик мақсадига айлантирди. Мазкур модел ва мақсад ташқи ҳамда ички хавфсизликни таъминлашга асосланди.

Диссертацияда Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг миллий моделида назарий жиҳатдан инсон ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун зарур эҳтиёжларни қондиришга, яратилган моддий ва маънавий бойликлар маданийлашувини таъминлашга, ижтимоий тараққиёт учун базавий асос бўладиган ресурслар мужассамлашган, деган хулосага келинди.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи тинчликни, барқарорликни асраш борасидаги сиёсати: 1) миллий манфаатлар устуворлиги; 2) бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; 3) ўзаро фойдали интеграция тамойилларига асосланган. Миллий манфаатлар негизида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, тинчлик ва барқарорликка асосланган социокреатив муҳит яратиш, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, халқ билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиш ётади. Бугун Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг ягона манбаи эканига, мамлакатдаги вазият, аҳвол ва тараққиёт жараёнлари унинг ижтимоий фаоллиги маҳсули эканига иқроор бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати халқни, барча миллат ва элат вакиллари мамлакатдаги ислохотларнинг фаол субъектларига айлантиришга, тинчлик ва барқарорлик барчанинг ижтимоий бурчи, вазифаси, орзу – тилаklarининг маҳсули эканини англаб етишга имкон туғдирди. Мазкур фундаментал аҳамиятга эга ёндашув ва сиёсат республикамизнинг ички ҳамда ташқи тинчлиги ва барқарорлигини белгилаб беришга имконият яратади.

Шунинг учун Ўзбекистон мустақил давлат, халқаро муносабатларнинг фаол актори, субъекти сифатида жаҳон ҳамжамияти ҳаётига, айниқса, дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Диссертацияда Ўзбекистоннинг бу борадаги модели ва концепцияси конструктив ҳамкорликка, интеграция ва глобал тинчликга асосланиши таъкидланган. Ушбу омиллардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотда демократик жамиятда тинчлик ва барқарорликнинг ўрни, Ўзбекистоннинг бу борадаги ташаббус ва тажрибалари очиб берилган.

ХУЛОСА

Тадқиқотимиз натижалари кўрсатадики, ўзбек халқи адолат, тинчлик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша асраб-авайлаб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир. Бу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатларини кўзлаб, тинчлик сиёсатини олиб боришнинг қонуний асосларини белгилаб бериши билан бирга, тинчликпарвар ташқи сиёсатнинг асосий негизини ташкил этади.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулоса ва таклифларни тавсия этамиз:

1. «Тинчлик» категорияси борлиқнинг асосий механизми ҳисобланиб, умумий характерда намоён бўладиган мураккаб тизим сифатида ажралиб туради. Бугунги кунда «тинчлик» тушунчаси турли халқ ва миллатларда турлича эътироф этилмоқда. «Тинчлик» ва «барқарорлик» давлатларнинг ўзаро тинч-тотув яшашлари учун ҳаётий зарур шарт-шароитларни белгилаб, халқлар ва давлатлар ўртасида туб манфаатлар инобатга олиниши, ташқи сиёсатда зўравонлик воситаларисиз олиб борилиши, очикдан-очик ҳарбий тўқнашувлар олиб борилмаслиги ва халқаро шартномалар ва мажбуриятларни бажаришига асосланган яхлит иерархик тизим сифатидаги категориядир.

2. «Тинчлик» тушунчаси Ғарб файласуфлари асарларида асосан «тинчлик»ка қарама-қарши бўлган «уруш» тушунчаси билан ён-ён тарзда қўлланилади. «Уруш» ўз мазмунига кўра, давлатлар ва миллатлар ўртасида қарор топган муносабатлар хусусиятининг тубдан ўзгариб кетиши, юзага келган низоларнинг ривожланиши, энг сўнггида қарши курашаётган томонларнинг муайян (сиёсий-геоисий, иқтисодий-геоиктисодий ва б.) мақсадларини амалга ошириш учун олиб бориладиган воситалар йиғиндисидир.

3. Тинчлик ва барқарорлик мавзуси Шарқу Ғарбда доимо диққат марказида бўлган ижтимоий феноменлар ҳисобланади. Шарқ ва Ғарб фалсафаси объектларни турлича (инсон ва ижтимоий муносабатлар) талқин қилса-да, тинчлик ва барқарорликни тараққиёт омили деб қарашда уйғун ёндашади. Тинчлик ва тараққиёт юқоридаги антиномик ва синомик воқеликлар билан уйғун қаралганида тўлароқ, объективроқ очиб берилади.

4. Тинчлик ва барқарорлик ўзидан ўзи социокреатив хусусият касб этавермайди. Ижтимоий-сиёсий мувозанат, миллатлараро тотувлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятни демократлаштириш жараёнларига оммани, фуқароларни жалб этиш каби омиллар мавжудки, улар перманент тарзда тинчлик ва барқарорликка таъсир этиб туради, текис кечаётган ижтимоий жараёнларни гоҳо қўллаб-қувватлайди ёки уларнинг секинлашувини, тезлашувини келтириб чиқаради.

5. Глобаллашув жараёнидаги маданий-гуманитар интеграция мамлакатнинг истиқболи учун муҳим. Ўзбекистон маданият цивилизациясининг етти компоненти мавжуд бўлган мамлакат ҳисобланади. Ўзбек мумтоз адабиёти (хусусан, бу адабиётнинг ривожига совет даврида ижод қилган қардош халқлар ва улар вакилларининг ҳиссасини), ўзбек классик мусиқаси, ўзбек мумтоз операси, миллий драматургия ва театри, инсон–макон ва табиат муносабатларини мужассамлаштирган рассомлик ҳамда ҳайкалтарошлик, Шарқ анъаналари ва кадриятларини ифода этадиган миллий архитектура (меъморчилик), миллий қаҳрамонлар образларини яратаётган ва шакллантираётган кино санъатининг барқарорликни таъминлашдаги ўрни бекиёс. Шу сабабли, 2020 йилни «Тинчлик ва маданий тараққиёт йили», деб эълон қилишни тавсия этиш мақсадга мувофиқ. Бу Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорликни таъминлаш концепцияси ҳамда

БМТнинг учинчи минг йилликни «Маданият асри» деб эълон қилишини тавсия қилардим.

6. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчихоналари, консуллик хизматлари билан ҳамкорликда «Ўзбекистон глобал тинчлик тарафдори» мавзусида доимий тарзда симпозиумлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ. «Ўзбекистон» номли янги журнал ташкил этиш ҳамда Ўзбекистоннинг глобал тинчлик, барқарорлик ва интеграцияга оид тажрибаларини хорижий тилларда чоп этиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.01.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

БУТАЕВ УСМОНЖОН ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

**РОЛЬ МИРА И СТАБИЛЬНОСТИ В РАЗВИТИИ
ДЕМОКРАТИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание степени доктора философии (PhD)
по философским наукам**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.1.PhD/Fa140.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fs-ik.uz) и на информационном образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Пахрутдинов Шукритдин Ильясович**
доктор политических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Кадиров Анвар Каххарович**
доктор философских наук, профессор

Мухтаров Азамат Мухтарович
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский финансовый институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. Адрес: 1000174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Здание факультета Социальных наук Национального университета Узбекистана, 5-этаж, 511-аудитория. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года)

Н.Х.Хакимов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

Н.Б. Абдуллаева

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

М.Т. Жакбаров

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире вопрос безопасности превратился в серьезную проблему для всех стран мира. Число сложных и опасных проблем увеличивается с каждым днем. Это характеризуется, с одной стороны, появлением на карте мира новых государств, переходом на новую ступень развития, с другой стороны, появлением таких идейно-идеологических и политических преград, которые препятствуют демократическому развитию, нарушают единство общества. Коренные изменения, вызванные процессом глобализации и уменьшением угрозы ядерной войны, не смогли полностью обезопасить мир от этих угроз.

В настоящее время основное внимание мирового сообщества направлено на обеспечение мира, стабильности и безопасности, поэтому особое внимание уделяется изменениям, происходящим в мире, механизмам обеспечения безопасности, приоритетам общечеловеческих интересов, а также проблемам просвещения, религиозной толерантности и факторам стабильного развития.

В Узбекистане осуществляется значительная деятельность по укреплению мира и стабильности, межнационального согласия. В частности в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы особо выделены вопросы укрепления безопасности, религиозной терпимости и межнационального согласия. В то же время Узбекистан председательствует в Совете министров иностранных дел Организации Исламской конференции. Особое значение в создании среды всеобщей безопасности приобретает региональная безопасность, разработка механизмов решения политических проблем в международных отношениях с учетом интересов сторон, а также доверие как основная форма общения. С этой точки зрения актуальной задачей становится изучение сущности и содержания современных концепций, имеющих отношение к миру и стабильности, разработка значимых научно-теоретических выводов по применению их на практике для обеспечения развития демократического общества в Узбекистане.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит осуществлению задач, предусмотренных в Законах Республики Узбекистан ЗРУ-330 «Об утверждении Концепции внешнеполитической деятельности» от 10 сентября 2012 года, ЗРУ-407 «Об органах внутренних дел» от 16 сентября 2016 года, Постановлении «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере охраны общественного порядка и обеспечения общественной безопасности» ПП-2940 от 1 мая 2017 года, Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, УП-5379 «О мерах по совершенствованию системы

государственной безопасности Республики Узбекистан» от 14 марта 2018 года и других нормативно-правовых документах, относящихся к теме.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий «Исследование национальных, литературных, исторических и религиозных ценностей, национальной идеи, художественно-эстетического воспитания, искусства, материального и нематериального наследия, истории национальной государственности в процессе реформирования и модернизации общества».

Степень разработанности проблемы. Значение мира и стабильности в развитии общества, его значение для человечества было осознано еще в древности. К примеру, в «Авесте», «Ведах», «Торе», «Евангелии», «Коране» мир и стабильность признаны в качестве важного фактора повышения духовности человека. В частности, в «Авесте» утверждается, что основным долгом людей является обладание знаниями и мудростью, умом и пронизательностью, справедливым способом решением вопросов, связанных с благосостоянием, миром и стабильностью, насилием и враждой¹. В 9-1 аятах суры 49 «аль-Худжурат» «Корана» также утверждается о необходимости справедливости примирения враждующих сторон². Точно также в «Торе» утверждается, что каждый человек должен знать, что мир является условием осуществления стремлений и достижения целей. Поэтому в ней сказано «Вечный мирный договор – «С ними заключаю мирный договор, с ними будет вечный договор»³.

